

Аср намозининг аҳамияти катта эканлиги | Ҳадис дарслари (276-дарс)



19:00 / 03 апрель 1322

«**Ўрта намоз**» деб таржима қилганимиз араб тилида «**ас-солатул вусто**» дейилади.

Шаръий масдарларда, хусусан, Қуръон ва Суннатда «ўрта намоз»нинг фазли ҳақида жуда кўп гаплар келган. Жумладан, ушбу фаслнинг аввалида келтирилган ояти каримада ҳам Аллоҳ таоло барча намозларни муҳофаза этишни амр қила туриб, кетидан «ўрта намоз»ни муҳофаза қилишни алоҳида таъкидлаган.

Қуйида ана шу ўта фазилатли «**ўрта намоз**» – Аср намози эканлигини тасдиқловчи ҳадислардан учтаси келтирилмоқда.

لَا أَدْرِي أَيُّ يَوْمٍ يَأْتِي الْيَوْمَ
أَيُّ يَوْمٍ يَأْتِي الْيَوْمَ
بِأَنْحَالِ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ

عَالِيَا نَعِ انْ وُلَعَش أَلَمِ، رُصَعْلَا عَالَا صِ طُسُؤَلَا ، أَرَانُ مُهْرُؤُبُقُوقُ وَمُهَتُؤِيُبُ هَلَلَا ، نِيءَاشَعْلَا نِيَبُ أَهَالَا صِ مُثْ .ةَسْمَخُؤَلَا هَأُورُ

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Аҳзоб куни:

«Бизни ўрта намоз - Аср намозидан машғул қилдилар! Аллоҳ уларнинг уйларинию қабрларини оловга тўлдирсин!» дедилар. Сўнгра уни Шом билан Хуфтоннинг ўртасида ўқиб олдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Аҳзоб куни» Аҳзоб уруши кунидир. Аҳзоб – ҳизбнинг жами бўлиб, Ухуд урушидан кейин кофирларнинг турли ҳизб – тоифалари бирлашиб, мусулмонларни Ер юзидан супуриб ташлаш мақсадида уларга қарши очган урушлари тарихда «Аҳзоб куни» номи билан машҳур бўлиб қолган.

Ўшанда Қурайш, Ғатафон, яҳудийлар ва уларнинг иттифоқдошларидан иборат бўлган Аҳзоблар мусулмонларга қарши уруш очганлар. Аҳзоблар уч минг кишидан иборат эди. Уларнинг жам бўлиб, йўлга чиққанлари ҳақида хабар келганидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам маслаҳат кенгаши очдилар ва Салмон Форсий розияллоху анхунинг маслаҳатлари билан Мадинаи Мунавварани мудофаа қилиш учун шаҳар атрофига хандақ қазилди. Шунинг учун бу уруш Хандақ уруши деб ҳам аталади.

Аҳзоблар келиб, Мадинаи Мунавварани бир ой давомида қамал қилдилар. Икки томон ўртасида баъзи бир кичик тўқнашувлар бўлиб ўтди. Кейин

Аллоҳ таоло Аҳзоблар устига совуқ шамол юборди. У кофирларга шиддатли қўрқинч олиб келди. Улар ноумид бўлиб, қайтиб кетдилар. Ана ўша уруш кунларининг бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар уруш билан машғул бўлиб қолиб, Аср намозини вақтида ўқий олмадилар. Ўшанда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шу ҳадиси шарифни айтганлар ва Аср намозини қазо қилиб, Шом ва Хуфтоннинг ўртасида ўқиб олганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аср намози ўрта намоз эканлиги.
2. Аср намозининг аҳамияти катта эканлиги.
3. Уруш туфайли Аср намози ўтиб кетса, Шомдан кейин, Хуфтондан олдин ўқиб олиш кераклиги.
4. Намозхонни намоздан машғул қилган одамнинг уйига ҳам, қабрига ҳам олов тўлиши.

Одамларнинг намоз ўқишдан тўсилишларига сабаб бўлиш шу қадар катта гуноҳ. Аҳзоблар уруш туфайли мусулмонларни намоздан тўсганликлари учун шунчалар қаттиқ дуои бадга қолдилар.

Демак, Аср намозига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бировни намоздан тўсадиганлардан бўлиб қолмайлик. Намоздан тўсувчиларга яхши насиҳат қилайлик.

يُرَافِعُ لَأَرْصَبَ يَبَّأُ نَع
يَلَصُّ لَأَقُ هُنَّعُ هَلَلَا يَضَر
هَلَلَا يَلَصُّ هَلَلَا لُوسَرَّ أَنْب
رُصَعُ لَأَمَّ لَسَوَّ هَيْلَع

هَذِهِ نَايَلِاقَفِ صَمَّخُمُ لِبَابِ
نَاكَ نَمَّ يَلَعُ تَضْرَعُ ةَالَّصَلَا
نَمَفٍ ، اَهُوعِّيَضَفٍ مُكَلِّبِقِ
هُجَّأُ هَلَّ نَاكَ اَهُيَلَعُ ظَفَاحِ
اَهُذَعَبَ ةَالَّصَلَا وَنِيَتَّرَمِ
هُأَوْرُ . دِهِ اَشَلَا غُلَطِي يَّتَحِ
يِيَّ اَسَّنَلَاوُ مَلْسُمِ

Абу Басра ал-ўифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга Мухаммасда Аср намозини ўқиб бердилар ва:

«Ушбу намоз сиздан олдингиларга фарз қилинган эди. Улар уни зое қилдилар. Ким уни муҳофаза қилса, унинг ажри икки баробар бўлур. Шоҳид чиқмагунича, ундан кейин намоз йўқдир», дедилар».

Муслим ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Басра ал-Ғифорий розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Асл исмлари Хумайн ибн Басра ибн Ваққос, кунялари Абу Басра. Бу зот Абу Ҳурайрага йўлиқиб, ана шу кишидан ҳадисларни ривоят қилдилар. Абу Басра Ҳижозда, кейин Мисрда истиқомат қилдилар. Вафот этган йиллари маълум эмас.

«**Мухаммас**» — жойнинг номи.

«Шоҳид» — Қуёш ботиши билан чиқадиган юлдуз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аср намози мусулмонлардан олдин ўтган яҳудий ва насоро каби бошқа умматларга ҳам фарз қилинганлиги.
2. Ислом умматидан бошқа умматлар Аср намозини зое қилганликлари.
3. Ислом уммати ўтган умматлар каби Аср намозини зое қилмаслиги лозимлиги.
4. Ким Аср намозини муҳофаза қилса, Аллоҳнинг амрига итоат этганлики ва ўтган умматлар зое қилган нарсани муҳофаза этгани учун икки баробар ажр олиши.
5. Аср намозини ўқигандан сўнг шоҳид юлдуз чиққунича, яъни Шом намозининг вақти киргунича бошқа намоз ўқиб бўлмаслиги.

Бу ҳадисдан Аср намозининг моҳияти ва қадр-қиммати яққол маълум бўлмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.